



Зулмдан сақланинглар. Зеро, зулм қиёмат куни зулмат бўлур. Зиқналикдан сақланинглар. Зеро, зиқналик сизлардан олдингиларни ҳалок этди

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Зулмдан сақланинглар. Зеро, зулм қиёмат куни зулмат бўлур. Зиқналикдан сақланинглар. Зеро, зиқналик сизлардан олдингиларни ҳалок этди – уларни ўзаро қонларини тўкишга ва ҳаром ишларни ҳалол қилишга олиб келди», – дедилар».

[Тўғри матн] [Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам зулмдан огоҳлантиридилар. Унинг турларидан: одамларга, ўзига ёки Аллоҳнинг ҳақларида зулм қилишдир. Зулм, ҳақ эгасига ҳаққини бермаслиkdir. Зулм Қиёмат куни ўз эгасига қийинчиликлар даҳшатлар зулматини ҳосил қиласди. Зиқналикдан қайтардилар. У дунёга ҳарис бўлиб қаттиқ баҳиллик қилиш. Молидаги ҳақларни бажаришда камчиликка йўл қўйиш ва дунёга қаттиқ ҳарис бўлиш унинг турларидандир. Зулмнинг бу тури биздан олдингиларни ҳалоқ қилган, бир-бирларини ўлдиришга ва Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳалоллаб олишга олиб борди.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5787>

